

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING  
QARORI**126** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2013 йил 12 декабрдаги ПҚ–2085-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини ташкиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни ҳамда тартиботларни янада такомиллаштириш ва содаллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

## 1. Қуйидагилар:

Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқларини, манфатларини ҳимоя қилиш ва фаровонлигини ошириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ривожлантириш, айниқса давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий кўмагига зарурият бўлган соҳалардаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали иштирок этишига йўналтирилган фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашишга ва қўллаб-қувватлашга доир ишларнинг ҳолатини ҳар йилги мажлисларда мунтазам равишда муҳокама қилинишини таъминласинлар;

мамлакатни ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, энг аввало, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш каби соҳаларда тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, шунингдек уларни амалда рўёбга чиқариш масалалари

бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ва эшитувларини мунтазам равишда ўтказиш жараёнига нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этиш амалиётини кенг қўлласинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотларига давлат дастурларини амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш, уларни бажариш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш, кўрсатиб ўтилган давлат дастурларида назарда тутилган вазифалар амалга оширилишининг бориши юзасидан жамоатчилик назорати натижалари тўғрисида хулосалар ва ахборотлар тақдим этиш имкониятини берган ҳолда, уларни катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган давлат дастурларининг бажарилишини мувофиқлаштириш ва амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган комиссиялар ва ишчи гуруҳлар ишига жалб этсинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокида жамоатчилик муҳокамаларини, эшитувларини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш йўли билан норма ижодкорлиги жараёнида жамоатчилик манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олиш механизмларидан кенг фойдалансинлар;

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда турли нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини бирлаштирувчи бошқа жамоат ташкилотларининг уставларидаги вазифаларни амалга оширишда, ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш дастурларини ҳал этишда улар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорликни таъминласинлар;

нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўрсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов ҳамда Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 март,  
57-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## Нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

#### 1. Ушбу Низом:

нодавлат нотижорат ташкилотларини (кейинги ўринларда ННТ деб аталади), шу жумладан уларнинг юридик шахслар ҳисобланадиган алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини) (кейинги ўринларда алоҳида бўлинмалар деб аталади), шунингдек халқаро ва хорижий ННТнинг ваколатхоналари ва филиалларини, айни бир вақтда уларни давлат солиқ органларида ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда, давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш;

юридик шахслар бўлмаган алоҳида бўлинмаларни ҳисобга қўйиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилмаган нотижорат ташкилотларини адлия органлари томонидан давлат рўйхатидан ўтказишга ҳам татбиқ этилади.

Ушбу Низом талаблари диний ташкилотларга татбиқ этилмайди.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**халқаро ННТ** — фаолиятини унинг уставига ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ва битта ёки ундан кўп хорижий давлатлар ҳудудида татбиқ этилиши мумкин бўлган ННТ;

**вилоятлараро ННТ** — фаолияти унинг уставига мувофиқ кўпи билан иккита ҳудудий субъектлар (вилоятлар), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри (кейинги ўринларда ҳудудий субъектлар деб аталади) ҳудудида олиб борадиган ННТ;

**алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш** — юридик шахс бўлмаган алоҳида бўлинманинг тегишли ҳудуддаги ваколатларини адлия органлари томонидан алоҳида бўлинма тўғрисидаги маълумотларни Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмалар реестрига киритиш ҳамда уларни ҳисобга қўйиш тўғрисидаги гувоҳномани бериш йўли билан расмий равишда тасдиқлаш;

**халқаро ва хорижий ННТнинг ваколатхонаси** — бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро ва хорижий ННТнинг манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган ташкилот;

**республика ННТ** — фаолиятини унинг уставига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида олиб борадиган ҳамда учтадан кам бўлмаган ҳудудий субъектларда алоҳида бўлинмаларига эга бўлган ННТ;

**халқаро ва хорижий ННТнинг филиали** — бош ташкилоти Ўзбекистон Республикасидан ташқарида жойлашган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида халқаро ва хорижий ННТнинг барча функцияларини (ёки уларнинг бир қисмини) амалга оширадиган, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қиладиган ташкилот.

4. Қўйидагиларни:

халқаро, республика, вилоятлараро ННТни, халқаро ва хорижий ННТнинг ваколатхоналари ва филиалларини, шунингдек қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида назарда тутилган ҳолларда, алоҳида ННТларни давлат рўйхатидан ўтказиш — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

фаолиятини вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТни, шунингдек уларнинг уставларида белгиланган муайян ҳудудларда фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар ҳисобланадиган ННТнинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Алоҳида бўлинмаларни, шу жумладан халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалларининг алоҳида бўлинмаларини ҳисобга қўйиш Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

5. Уларнинг туридан қатъи назар, айнан бир номдаги ННТни давлат рўйхатидан ўтказишга йўл қўйилмайди.

Номи бир хил бўлган икки ёки ундан ортиқ ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза тушган ҳолларда бошқалардан олдинроқ ариза берган ННТ рўйхатдан ўтказишда устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

6. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун қўйидаги миқдорларда:

халқаро ННТ, шунингдек халқаро ва хорижий ННТнинг ваколатхоналари ва филиаллари учун — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари, шунингдек 50 АҚШ доллари;

республика ва вилоятлараро ННТ учун — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари;

фаолиятини вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган ННТ учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

7. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар, болалар жамоат бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган сумманинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

8. ННТни қайта рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандларида назарда тутилган сумманинг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

9. ННТнинг алоҳида бўлинмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш учун давлат божи ундирилмайди.

10. ННТнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома дубликатини олиш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

11. Ушбу Низомга мувофиқ ундириладиган давлат божи ва тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Республика бюджетига ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

## II. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар

12. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза рўйхатдан ўтказувчи органга таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш ўтказилган кундан бошлаб икки ой мобайнида, жамоат бирлашмаси учун — бир ой мобайнида берилади.

Жамоат бирлашмасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза раҳбар органнинг камида уч нафар аъзоси томонидан имзоланади.

13. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) давлат тилидаги устав ёхуд юридик шахс ҳисобланадиган алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом, икки нусхада Устав (низом) тартиб рақами қўйилган, ип ўтказиб тикилган ва таъсисчи(лар) вакил қилган шахс имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак;

б) таъсис шартномаси — ННТ ассоциациялари (уюшмалари) учун;

в) ННТни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис съезди (конференцияси)-нинг ёки умумий йиғилишнинг баённома ёхуд таъсисчининг қарори (республика ва вилоятлараро ННТ учун тегишли алоҳида бўлинмалар ташкил этиш тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади);

г) ННТнинг почта манзили сифатида фойдаланиш учун мўлжалланаётган кўчмас мулкка ёки ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

д) сиёсий партиялардан ташқари, ННТни тузиш ташаббускорлари ёхуд таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар, уларда жисмоний шахслар учун — фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи ҳамда юридик шахслар учун — номи, почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР) ва давлат рўйхатидан ўтказилган санаси кўрсатилади;

е) ташаббускор фуқаролар рўйхати:

камида уч минг кишининг рўйхати — касаба уюшмалари учун;

камида ўн кишининг рўйхати — бошқа жамоат бирлашмалари учун, сиёсий партиялардан ташқари;

ж) «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларининг бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар — сиёсий партиялар учун, шу жумладан:

сиёсий партиянинг дастури;

мазкур партияга бирлашиш хоҳишини билдирган, камида саккизта ҳуду-

дий субъектларда (вилоятларда), шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган камида йигирма минг нафар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори;

з) бош ННТ давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — алоҳида бўлинмалар учун;

и) дастлабки маблағларнинг шаклланганлигини тасдиқловчи ҳужжат (вақтинча жамғариб бориладиган ҳисоб рақамларига пул маблағлари ўтказилганлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси) — жамоат фондлари учун;

к) васиятноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси — васиятнома бўйича ташкил этилаётган жамоат фондлари учун;

л) белгиланган миқдорда давлат божининг тўлангани тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

14. Ушбу Низомнинг 13-банди «е» кичик бандида назарда тутилган рўйхатларда, имзолардан ташқари, имзолаган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи кўрсатилади. Имзолар ва маълумотлар имзолаган шахснинг яшаш, иш, ўқиш ёки ҳарбий хизмат жойида тасдиқланади.

15. Бирлаштириш, бўлиниш, ажралиб чиқиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан тузилаётган ННТлар қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

қайта ташкил этилаётган ташкилотга маълум бўлган барча кредиторлар ёзма равишда хабардор қилинганлигининг ва қайта ташкил этиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилганлигининг тасдиқномаси;

қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан томонлар даъволашаётган мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар кўрсатилган топшириш далолатномаси (бирлаштиришда ва ўзгартиришда) ёки тақсимлаш баланси (бўлинишда ва ажралиб чиқишда);

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, шунингдек ички ишлар органларининг ташкилотнинг муҳри ва штамп йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (бирлаштиришда, ажралиб чиқишда ва ўзгартиришда).

Юридик шахслар ҳисобланадиган алоҳида бўлинмаларни давлат рўйхатидан ўтказишда, ННТлар бош ташкилот уставига мувофиқ ишлаб чиқилган алоҳида бўлинма тўғрисидаги низомни ёхуд бош ташкилотнинг алоҳида бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартибини, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутувчи устави нусхасини тақдим этадилар.

16. Ўз фаолиятини турли ҳудудларда:

бир ёки ундан ортиқ чет эл давлати ҳудудида — халқаро ННТлар учун;  
камида учта ҳудудий субъектларда — республика ННТлари учун;

кўпи билан иккита ҳудудий субъектларда — вилоятлараро ННТлар учун амалга оширувчи ННТлар уставларида алоҳида бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд бўлиши керак.

17. Алоҳида бўлинмани давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар ННТнинг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

18. Халқаро ва хорижий ННТларнинг ваколатхоналари ва филиаллари ни давлат рўйхатидан ўтказиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза берилади, аризага бош ташкилотнинг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатлар икки нусхада илова қилинади:

а) бош ташкилотни тузиш мақсадлари ва вазифалари кўрсатилган ҳолда уставнинг ҳамда рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган нусхалари;

б) Ўзбекистон Республикасида ваколатхона ёки филиал очиш (ташкил этиш) тўғрисида бош ташкилотнинг қарори (баённомаси), унда ваколатхона очишга (филиални ташкил этишга), унинг низомини (уставини) тасдиқлашга, раҳбарини (раҳбарларини) тайинлашга белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган маълумотлар бўлиши керак;

в) ваколатхона ёки филиал тўғрисидаги нотариал тартибда тасдиқланган, уни очишдан (ташкил этишдан) кўзланган мақсадлар ва вазифалар ҳам кўрсатилган, ўзбек ва рус тилларидаги низом (устав);

г) бош ташкилот томонидан ваколатхона ёки филиал раҳбарига берилган, белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ишончнома;

д) бош ташкилотнинг фаолияти тўғрисидаги белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган ахборот;

е) ижарага берувчининг тегишли биноларни ваколатхона ёки филиалга бериш тўғрисидаги розилик хати;

ж) давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати;

з) ваколатхона ёки филиалнинг раҳбари ҳамда ходимлари тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва жойи, фуқаролиги, касби, яшаш жойи ҳамда телефон рақами кўрсатилган ҳолда;

и) ваколатхона ва филиал фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича декларация.

### **III. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш**

19. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар улар тақдим этилган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ишончилигини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан текширишга ҳақлидир.

Рўйхатдан ўтказувчи орган, зарурат бўлганда, тегишли ташкилотларга ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш учун юборишга ҳақлидир.

Ҳужжатларни олган ташкилот йигирма кун мобайнида ўз хулосасини тақдим этиши шарт.

Агар хулосада ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги фикр мавжуд бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу Низом 24-бандининг иккинчи — ўнинчи хатбошиларда назарда тутилган ҳолатлар доирасида ўз хулосасини асослаши керак.

20. Кўриб чиқиш натижалари бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади, у тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг буйруғи шаклида расмийлаштирилади:

давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида;

давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

21. ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ариза берувчига:

ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланган намунада давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома;

«рўйхатдан ўтказилган» ёзуви қайд этилган, рўйхатдан ўтказувчи орган муҳри билан тасдиқланган ННТ устави берилади.

22. Давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган ННТга Давлат солиқ қўмитасининг ва Давлат статистика қўмитасининг аниқ вақт режимида Интернет тармоғидаги тегишли идоравий сайтлардан фойдаланган ҳолда олинган СТИР ва КТУТ кодларини беради.

23. Рўйхатдан ўтказиш тартиботлари (статистика кодларини, СТИРни бериш) тугаллангандан кейин давлат рўйхатидан ўтказилган ННТ тўғрисидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан тегишли равишда ушбу Низомга 5, 6 ва 7-иловаларга мувофиқ Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестрига, Юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмаларнинг давлат реестрига ёки Халқаро ва хорижий ННТларининг ваколатхоналари ва филиаллари давлат реестрига киритилади.

24. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига мувофиқ ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш:

ННТнинг таъсис ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, мустақиллиги, яхлитлиги ва хавфсизлигини бузиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситиш, уруш, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига қасд қилиш мақсадига эга бўлганда;



хужжатларнинг тўлиқ рўйхати тақдим этилмаганда ёки улар зарур тартибда расмийлаштирилмаганда;

хужжатлар устав қабул қилинган вақтдан бошлаб икки ой муддат (жамоат бирлашмаси учун — бир ой муддат) ўтгандан кейин тақдим этилганда;

ННТ айнан шу ном билан илгари рўйхатдан ўтказилганда;

ННТни ташкил этишнинг қонунда белгиланган тартиби бузилганда ёки унинг таъсис хужжатлари қонунга номувофиқ бўлганда;

рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган таъсис хужжатларида атайин нотўғри маълумот келтирилганлиги аниқланган бўлса;

ННТнинг номи ёки рамзи фуқароларнинг ахлоқига, миллий ва диний туйғуларига дахл қилса;

ННТнинг таъсис хужжатлари ҳарбийлаштирилган бирлашмалар тузиши назарда тутганда рад этилиши мумкин.

ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш таъсис хужжатларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун хужжатларига зид бўлган қоидалар мавжуд бўлган бошқа ҳолатларда ҳам рад этилиши мумкин.

25. ННТни тузишнинг мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

26. ННТни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилиши рад этишнинг асослари бартараф этилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказишга хужжатларни такроран бериш учун тўсиқ бўлмайди.

27. ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчиларга қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма шаклда хабар қилинади. Ариза берувчига давлат божини қайтариш масаласи бўйича мурожаат қилиш ёхуд уч ой, сиёсий партиялар учун эса — бир ой муддатда рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин, давлат божи тўламасдан ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

Ариза ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган тақдирда, такрорий мурожаат қилишда давлат божи умумий асосларда ундирилади, сиёсий партиялар бундан мустасно.

28. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ННТни давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **IV. ННТни қайта рўйхатдан ўтказиш, давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг ва таъсис хужжатларининг дубликатини бериш**

29. ННТлар таъсис хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда ННТнинг раҳбар органи томонидан тегишли қарор қабул қилингандан кейин бир ой мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги хужжатларни тақдим этадилар:

таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

ННТ ваколатли раҳбар органининг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори (бош ташкилотнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида белгиланган тартибда легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган қарори (баённомаси) — халқаро ва хорижий ННТларнинг филиаллари ва ваколатхоналари учун);

таъсисчи(лар) томонидан вакил қилинган шахснинг имзоси билан тасдиқланган икки нусхада — таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матни ёки таъсис ҳужжатларининг янги таҳрири;

давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси — номи ўзгарган тақдирда;

белгиланган миқдорда давлат божи тўлангани тўғрисидаги банк тўлов ҳужжати.

30. ННТ ажралиб чиқиш ва қўшилиш шаклида қайта ташкил этилган тақдирда қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

маълум бўлган барча қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг кредиторлари ёзма шаклда хабардор қилинганлигининг ва қайта ташкил этиш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилганлигининг тасдиқномаси;

қайта ташкил этилаётган ташкилотларнинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари, шу жумладан тарафлар баҳслашаётган мажбуриятлар бўйича ҳам, ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган тақсимлаш баланси (ажралиб чиқишда) ёки топшириш ҳужжати (қўшилишда);

давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, шунингдек ички ишлар органларининг ташкилотнинг муҳрини ва штампини йўқ қилиш тўғрисидаги маълумотномаси (қўшилишда).

31. Рўйхатдан ўтказувчи орган ўзгариши муносабати билан ННТни қайта рўйхатдан ўтказиш учун ННТ ушбу Низомнинг 29 ва 30-бандларида назарда тутилган ҳужжатлар билан тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилади, у ННТни давлат рўйхатидан ўтказган адлия органидан рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари пакетини сўраб олади.

32. ННТнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рўйхатдан ўтказувчи орган бир иш куни мобайнида реестрга тегишли ёзувни киритади ҳамда ариза берувчиларга «рўйхатдан ўтказилган» ёзуви қайд этилган, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матнини ёки таъсис ҳужжатларининг янги таҳририни беради.

ННТнинг номи ёхуд ННТни рўйхатдан ўтказган орган ўзгарган тақдирда ҳам ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ белгиланган намунада давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги янги гувоҳнома берилади. Бунда давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги янги гувоҳномада қўшимча маълумотлар сифа-

тида ННТ тўғрисидаги олдинги маълумотлар, шу жумладан номи, рўйхатдан ўтказувчи орган, рўйхатдан ўтказиш санаси кўрсатилади.

33. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ННТ қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда янгидан рўйхатдан ўтказган адлия органи бу тўғрида олдинги рўйхатдан ўтказиш жойидаги адлия органини, тегишли рўйхатдан ўтказиш маълумотлари кўрсатилган ҳолда, ёзма шаклда хабардор қилади. Олинган маълумотлар асосида олдинги рўйхатдан ўтказиш жойидаги адлия органи бу тўғрида давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ҳамда давлат солиқ хизмати органларини ва давлат статистика органларини хабардор қилади.

34. Почта манзили, банк реквизитлари ўзгарган тақдирда ННТ бир ой муддатда бу тўғрида рўйхатдан ўтказувчи органга хабар қилиши шарт.

35. Давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд таъсис ҳужжатлари йўқолганда ёки улар яроқсиз ҳолга келганда ННТнинг ариза-сига биноан рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уларнинг дубликатлари берилади.

Дубликат олиш учун аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

«топилмалар столи»дан маълумотнома (давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ёхуд таъсис ҳужжатлари йўқолганда);

давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг ёхуд таъсис ҳужжатларининг асл нусхаси (давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома ёки таъсис ҳужжатлари яроқсиз ҳолга келганда);

давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида даврий матбуот нашрида берилган эълон (давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганда);

гувоҳнома дубликати берилганлиги учун белгиланган микдорда тўлов тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати (давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганда ёхуд яроқсиз ҳолга келганда).

36. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ёхуд таъсис ҳужжатларининг дубликатини бериш тўғрисидаги ариза ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

## **V. Алоҳида бўлинмаларни ҳисобга қўйиш**

37. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш учун ННТнинг марказий раҳбар органи томонидан қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда алоҳида бўлинмага раҳбарлик қилиш зиммасига юкланган шахс тегишли адлия органига ариза билан мурожаат қилади.

38. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш тўғрисидаги аризада ННТнинг марказий раҳбар органи томонидан тасдиқланган қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

алоҳида бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тартиби, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари назарда тутилган бош ташкилот уставининг нусхаси ёки бош ташкилот уставига мувофиқ ишлаб чиқил-

ган давлат тилида, икки нусхадаги алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом. Алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом тақдим этилганда бош ташкилот уставининг нусхаси илова қилинади;

ННТ марказий раҳбар органининг алоҳида бўлинмани очиш тўғрисидаги баённомаси (қарори);

ННТ марказий раҳбар органининг алоҳида бўлинма раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорининг нусхаси;

ННТ марказий раҳбар органи томонидан алоҳида бўлинма раҳбарига берилган ишончноманинг нусхаси;

ННТнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси.

39. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза зарур ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиш натижалари бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қўйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш тўғрисида;

алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйишни рад этиш тўғрисида.

40. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчига қўйидаги ҳужжатлар берилади:

ушбу Низомнинг 8-иловасига мувофиқ белгиланган намунада алоҳида бўлинманинг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги гувоҳнома;

«ҳисобга қўйилган» ёзуви қайд этилган, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом.

41. Ҳисобга қўйилган алоҳида бўлинма тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 9-иловасига мувофиқ, Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмалар реестрига киритилади.

42. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш қўйидаги ҳолларда рад этилиши мумкин:

ариза тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказувчи органга берилганда;

тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар мавжудлиги аниқланганда;

тақдим этилган ҳужжатлар қонунчилик ва ННТ устави талабларига мувофиқ бўлмаганда;

ариза ушбу Низомнинг 38-бандида кўрсатилган ҳужжатларсиз ёки зарур даражада бўлмаган ҳужжатлар тақдим этилганда.

Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш рад этилган тақдирда рўйхатдан ўтказувчи орган бу тўғрида асослантирилган қарор чиқаради ва уч кун мобайнида бу ҳақда ариза берувчига ёзма шаклда хабар қилади. Ариза берувчига, шунингдек камчиликлар бартараф этилгандан кейин алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйиш тўғрисидаги ариза билан такроран мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилади.

43. Алоҳида бўлинмага тегишли бўлган ўзгартиришлар киритилган ННТни қайта рўйхатдан ўтказишда ННТ бевосита ёки алоҳида бўлинма орқали алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйган адлия органига қайта рўйхатдан

ўтказилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қуйидаги тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза бериши шарт:

алоҳида бўлинма тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матни ёки янги таҳрирдаги низомнинг давлат тилидаги икки нусхаси, шунингдек бош ташкилотнинг янги таҳрирдаги уставининг ёки уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнининг нусхаси (бош ташкилотнинг янги таҳрирдаги уставининг ёки уставга алоҳида бўлинмаларни тузиш, ташкил этиш, фаолиятини тўхтатиш тартибини, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини назарда тутувчи киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матни тақдим этилганда алоҳида бўлинма тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг матнини ёхуд низомнинг янги таҳририни тақдим этиш талаб қилинмайди);

ННТ марказий раҳбар органининг алоҳида бўлинма раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорининг нусхаси — раҳбар ўзгарган тақдирда;

ННТ марказий раҳбар органи томонидан алоҳида бўлинма раҳбарига берилган ишончноманинг нусхаси — раҳбар ўзгарган тақдирда;

ННТнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқлаган нусхаси — номи ўзгарган тақдирда.

44. Алоҳида бўлинмани ҳисобга қўйган адлия органи тақдим этилган ҳужжатлар асосида Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмалар реестрига тегишли ёзувни киритади ҳамда ариза берувчига «ҳисобга қўйилган» ёзуви қайд этилган, рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган алоҳида бўлинма тўғрисидаги низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар матнини ёки низомнинг янги таҳририни, шунингдек зарурат бўлганда, ушбу Низомга 8-иловага мувофиқ белгиланган намунада алоҳида бўлинманинг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги янги гувоҳномани беради.

Алоҳида бўлинманинг ҳисобга қўйилгани тўғрисидаги янги гувоҳнома, шунингдек ушбу Низомнинг 43-банди иккинчи хатбоши асосида адлия органига алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом ёки низомнинг янги таҳрири тақдим этилмаган тақдирда ҳам берилади.

## VI. Яқунловчи қоидалар

45. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат реестри, Нодавлат нотижорат ташкилотларининг юридик шахс мақомига эга бўлган алоҳида бўлинмаларининг давлат реестри, Халқаро ва хорижий ННТлар ваколатхоналари ва филиалларининг давлат реестри ҳамда Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаларнинг реестри умумий фойдаланиш учун очиқ ҳисобланади.

46. Рўйхатдан ўтказувчи органлар ННТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб икки иш куни мобайнида давлат реестридан ННТ тўғрисидаги маълумотларни ННТ жойлашган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ва давлат статистика органларига тақдим этадилар.

ННТни ҳисобга қўйиш қонун ҳужжатларига мувофиқ, ННТни жалб этмасдан, давлат солиқ хизмати органлари ва давлат статистика органлари томонидан амалга оширилади.

47. ННТ, шунингдек алоҳида бўлинмалар тегишли адлия органига:

хар йили 1 февралгача — ўтган йилдаги ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, шу жумладан фаолиятни молиялаштириш манбалари ва маблағларнинг сарфланиши тўғрисидаги декларацияни, мавжуд аъзолар сони тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган шакл бўйича;

режалаштирилган тадбирлар тўғрисидаги ахборотни ёки режалаштирилган тадбирлар (конференциялар, семинарлар, тренинглар, йиғилишлар, акциялар ва шу кабиларнинг) рўйхатини ўз вақтида келишиш учун тақдим этишлари шарт. ННТ тадбирларини келишиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади;

раҳбар органнинг янги таркиби сайланганда ёки раҳбар орган таркибидан ўзгаришлар бўлганда раҳбар органлар қарорларининг нусхаси бир ой мобайнида тақдим этилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТ ва алоҳида бўлинмалар фаолиятининг уставдаги вазифаларга ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқлигини назорат қилади, шу жумладан уларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини текширади. Назоратни амалга оширишда рўйхатдан ўтказувчи орган ННТдан қўшимча ахборотларни ҳамда ННТ, алоҳида бўлинмалар раҳбарларидан ва масъул шахсларидан тушунтиришлар олишга, раҳбар органлар қарорларини сўраб олишга ҳақлидир.

48. Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТ фаолиятида қонунийликни таъминлаш мақсадида, шу жумладан уларга ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши масалалари бўйича ННТ ва алоҳида бўлинмаларнинг фаолиятини, зарурат бўлганда, мутахассисларни жалб этган ҳолда текшириши мумкин.

49. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**АРИЗА**

**(нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун**

\_\_\_\_\_ (ННТ раҳбар органи аъзолари — фуқароларнинг исми, фамилияси, отасининг исми)

\_\_\_\_\_ ни давлат рўйхатидан ўтказишга (қайта рўйхатдан  
(ННТнинг номи)  
ўтказишга) тақдим этадилар.

ННТ уставдаги фаолиятининг асосий мақсадлари \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (қисқача баён қилинади)

ННТ раҳбар органининг номи ва почта манзили \_\_\_\_\_

<b>Раҳбар орган аъзоларининг (ариза берувчиларнинг) Ф.И.О.</b>	<b>Туғилган йили ва жойи</b>	<b>Ҳар бирининг яшаш жойи (манзили)</b>	<b>Имзолари</b>
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____
_____	_____	_____	_____

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**АРИЗА**

**(халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун**

\_\_\_\_\_ (халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиали бош ташкилотининг номи )

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ ни давлат рўйхатидан ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш)  
(ННТнинг номи)

учун тақдим этади.

Халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиали уставдаги фаолиятининг асосий мақсадлари \_\_\_\_\_

(қисқача баён қилинади)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиалининг почта манзили \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Ваколатли шахс (ариза берувчи)нинг Ф.И.О.**

**Туғилган йили ва жойи**

**Ҳар бирининг яшаш жойи (манзили)**

**Имзолар**

\_\_\_\_\_



Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

**Халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиали  
фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида  
ДЕКЛАРАЦИЯ**

(халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиалининг номи )

201\_ — 201\_ йиллар учун

1. Таъсисчилар томонидан 201\_\_ йилда \_\_\_\_\_  
ажратилаётган сумма: (ваколатхона ва филиал раҳбарининг имзоси)

2. Юридик ва жисмоний шахсларнинг  
ихтиёрий ажратмалари \_\_\_\_\_

3. Тадбиркорлик фаолиятдан  
олинган даромадлар \_\_\_\_\_

4. Бошқа даромадлар \_\_\_\_\_

5. Банкдаги нақд маблағлар:  
ҳисоб рақами № \_\_\_\_\_

валюта ҳисоб рақами № \_\_\_\_\_

6. Ушбу декларацияда кўрсатилган маълумотларнинг  
тўғрилигини тасдиқлайман

201\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

(халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси  
ва филиали раҳбарининг имзоси)

Нодавлат ноижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

126-модда

### Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Нодавлат ноижорат ташкилотини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги

### ГУВОҲНОМА

\_\_\_\_\_ -сон 20 \_\_\_\_\_ йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

ННТнинг номи \_\_\_\_\_

Фаолияти ҳудуди \_\_\_\_\_

(ННТ фаолияти татбиқ этиладиган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва овул)

Ташкилий-ҳуқуқий шакли \_\_\_\_\_

(ННТнинг жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассасаси, ассоциацияси (уюшмаси) ва бошқалар)

КТУТ коди: \_\_\_\_\_ ;

СТИР коди: \_\_\_\_\_ ;

Фаолиятининг асосий мақсадлари \_\_\_\_\_

Қўшимча маълумотлар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг лавозими)

М.Ў.

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг Ф.И.О.)

— 40 —

11 (615)-сон

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
5-ИЛОВА

11 (615)-сон

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ\***

Реестр тартиб рақами	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	Номи	Ташкилий-хуқуқий шакли	ННТ фаолият ҳудуди (ННТ фаолияти татбиқ этиладиган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва овул))	Фаолиятининг асосий мақсадлари ва вазифалари	Фаолият соҳаси	Муассислар тўғрисида ахборот (юридик шахснинг номи ёхуд жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми )
1	2	3	4	5	6	7	8

Жадвалнинг давоми

Раҳбар органнинг номи ва почта манзили, телефони	Раҳбар орган сайланган (тайинланган) сана (кун, ой, йил)	Таъсис ҳужжатлари қабул қилинган сана (кун, ой, йил)	Реестрга ёзув киритадиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси	Қайта рўйхатдан ўтказиш санаси	Ваколатли шахснинг гувоҳнома олганлик тўғрисидаги имзоси	Реестрдан чиқарилган сана	Реестрдан чиқариш асоси
9	10	11	12	13	14	15	16

\* Ушбу реестрга халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар киритилмайди.

— 41 —

126-модда

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
6-ИЛОВА

126-модда

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг юридик шахс мақомига эга бўлган  
алоҳида бўлинмалари (ваколатхоналари ва филиаллари)нинг  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Реестр тартиб рақами	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	Алоҳида бўлинманинг номи	Бош нодавлат нотижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли	Бош ННТ фаолияти ҳудуди (ННТ фаолияти татбиқ этилган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва овул)	Алоҳида бўлинманинг асосий мақсадлари ва вазифалари	Фаолият соҳаси	Раҳбар органнинг номи ва почта манзили, телефони
1	2	3	4	5	6	7	8

— 42 —

Жадвалнинг давоми

Раҳбар орган сайланган (тайинланган) сана (кун, ой, йил)	Таъсис ҳужжатлари қабул қилинган сана (кун, ой, йил)	Реестрга ёзув киритадиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси	Қайта рўйхатдан ўтказиш санаси	Ваколатли шахснинг гувоҳнома олганлик тўғрисидаги имзоси	Реестрдан чиқарилган сана	Реестрдан чиқариш асоси
9	10	11	12	13	14	15

11 (615)-сон

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
7-ИЛОВА

11 (615)-сон

**Халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари  
ваколатхоналари ва филиалларининг  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Реестр тартиб рақами	Давлат рўйхатидан ўтказилган сана	Ваколатхона ва филиалнинг номи	Ваколатхона ва филиалнинг почта манзили	Бош ташкилотининг номи	Муассиснинг почта манзили	Ваколатхона ва филиал фаолиятининг асосий мақсадлари ва вазифалари	Фаолиятининг муддати
1	2	3	4	5	6	7	8

Жадвалнинг давоми

Молиялаштириш манбаи	Раҳбарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, у тайинланган ёхуд сайланган сана, фуқаролиги, яшаш жойи (манзили) ва телефон рақами	Реестрга ёзув киритадиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси	Қайта рўйхатдан ўтказиш санаси	Ваколатли шахснинг гувоҳнома олганлик тўғрисидаги имзоси	Реестрдан чиқарилган сана	Реестрдан чиқариш асоси
9	10	11	12	13	14	15

— 43 —

126-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

Нодавлат ноижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
8-ИЛОВА

126-модда

— 44 —

11 (615)-сон

**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири**

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

**Нодавлат ноижорат ташкилотнинг алоҳида бўлинмасини ҳисобга қўйиш тўғрисида**

**ГУВОҲНОМА**

\_\_\_\_\_ -сон 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Нодавлат ноижорат ташкилоти алоҳида бўлинмасининг номи** \_\_\_\_\_

**Бош нодавлат ноижорат ташкилотининг ташкилий-ҳуқуқий шакли** \_\_\_\_\_  
(нодавлат ноижорат ташкилотларининг жамоат бирлашмаси, жамоат фонди, муассасаси, ассоциацияси (уюшмаси) ва бошқалар)

**СТИР коди:** \_\_\_\_\_ ;

**Фаолиятининг асосий мақсадлари** \_\_\_\_\_

**Қўшимча маълумотлар:** \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг лавозими)

**М.Ў.**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг Ф.И.О.)

Нодавлат нотижорат ташкилотларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
9-ИЛОВА

11 (615)-сон

**Юридик шахс мақомига эга бўлмаган алоҳида бўлинмаларнинг  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Реестр тартиб рақами	Алоҳида бўлинманинг номи	Ҳисобга қўйиш санаси	Бош ННТ фаолияти ҳудуди (ННТ фаолияти татбиқ этиладиган ҳудуд (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча ва овул)	Бош нодавлат нотижорат ташкилотнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли	Алоҳида бўлинманинг асосий мақсадлари ва вазифалари	Фаолият соҳаси

— 45 —

Жадвалнинг давоми

Алоҳида бўлинманинг почта манзили ва телефони	Алоҳида бўлинманинг раҳбар органи сайланган (тайинланган) сана (кун, ой, йил)	Алоҳида бўлинма тўғрисидаги низом қабул қилинган сана (кун, ой, йил)	Реестрга ёзув киритадиган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими ва имзоси	Реестрдан чиқарилган сана	Реестрдан чиқариш асоси

126-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2014 й.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини  
давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом нодавлат нотижорат ташкилотларининг (кейинги ўринларда ННТ деб аталади), шу жумладан халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом диний ташкилотларга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомнинг амал қилиши мазкур Низомнинг 1-бандида назарда тутилмаган нотижорат ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш адлия органлари томонидан амалга оширилган ҳолларда бундай нотижорат ташкилотлари рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишга ҳам татбиқ этилади.

3. ННТ байроқ, эмблема, вимпел ва бошқа рамзларга эга бўлиши мумкин.

ННТ рамзи таъсис ҳужжатларига мувофиқ унинг раҳбар органи томонидан тасдиқланади ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

4. Байроқлар ва вимпелларни кўтариш, эмблемаларни ва бошқа рамзларни ўрнатиш, шунингдек улардан фойдаланиш тартиби тегишли ННТ томонидан ННТ рамзи тўғрисидаги низомларда белгиланади.

ННТнинг алоҳида бўлинмалари ўз фаолиятида бош ННТ рамздан фойдаланадилар.

5. Қуйидагиларни:

халқаро, республика ва вилоятлараро ННТ, шунингдек халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан;

вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ҳудудида фаолият олиб борадиган ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

6. Айнан бир хил ёки адаштириб юборадиган даражада ўхшаш рамзга эга бўлган икки ва ундан ортиқ ННТ рамзни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ариза билан мурожаат қилган тақдирда ҳаммадан олдин ариза берган ННТ рўйхатдан ўтказиш учун устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

7. ННТ рамзлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун қуйидаги миқдорларда йиғим ундирилади:

халқаро ННТ, халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалла-



ри учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари, шунингдек 25 АҚШ доллари миқдорида;

республика, вилоятлараро ННТ учун — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида;

вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овул ННТ учун — энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида.

8. Ногиронлар, фахрийлар, хотин-қизлар ва болаларнинг жамоат бирлашмалари рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун йиғим ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган сумманинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

9. ННТ рамзларини қайта рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ушбу Низомнинг 7 ва 8-бандларида назарда тутилган ставканинг 50 фоизи миқдорида ундирилади.

10. ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

11. Ушбу Низомга мувофиқ ундириладиган йиғим ва тўлов қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига, Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

## **II. ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар ва уларни кўриб чиқиш**

12. ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича ариза рамз ННТ раҳбар органи томонидан тасдиқланган кундан бошлаб икки ой мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга берилади.

Ариза ННТнинг раҳбар органи томонидан бунга ваколат берилган шахс(лар) томонидан имзоланади.

13. ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ННТ раҳбар органи томонидан тасдиқланган рамзнинг низоми;

ННТ давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

икки нусхада рамзнинг намунаси ва тавсифи;

ННТ раҳбар органининг ННТ рамзларини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори;

бош ННТнинг халқаро ва хорижий ННТ ваколатхонаси ва филиали рамзини ҳамда унинг тавсифини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори — халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиаллари учун;

йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

14. ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар улар тақдим этилган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ҳужжатларнинг ишончилигини уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширишга ҳақлидир.

Рўйхатдан ўтказувчи орган, зарурият бўлганда, ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни тегишли ташкилотларга юборишга ҳақлидир.

Ҳужжатларни олган ташкилот ўз хулосасини йигирма кун мобайнида тақдим этиши шарт.

Агар хулосада ННТнинг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги фикр ифодаланса, у ҳолда ташкилот ўз хулосасини ушбу Низомнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолатлар доирасида асослаши керак.

15. Кўриб чиқиш натижалари бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади, ушбу қарор тегишли рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг буйруғи шаклида расмийлаштирилади:

ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида;

ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

16. ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда ариза берувчига:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

«рўйхатдан ўтказилди» белгиси қайд этилган ва рўйхатдан ўтказувчи орган муҳри билан тасдиқланган бир нусхадан рамз намунаси ва унинг тавсифи берилади.

17. ННТ рамзи тўғрисидаги маълумотлар рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ ННТ рамзларининг давлат реестрига киритилади.

18. Қуйидаги ҳолларда:

ННТ рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги аризага ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда илова қилинган бўлса;

тақдим этилган ҳужжатларда нотўғри маълумотлар бўлса;

Ўзбекистон Республикасида айнан шундай ёки адаштириб юборадиган даражада ўхшаш тасвирланган рамз илгари давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса;

рамз Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи ёки герби билан ўхшаш бўлса;

рамз хорижий давлатнинг рамзи билан бир хил бўлса, агар ННТнинг мақомидан ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларидан ўзга ҳол келиб чиқмаса;

рамз жамиятнинг ахлоқий негизларини, умуминсоний гуманистик қадриятларни емиришни, конституциявий тузумни қонунга зид равишда ўзгартиришни ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг яхлитлигини бузишни,

уруш ҳолатини, зўравонлик ва ёвузликни, ижтимоий, синфий, иркий, миллий ва диний душманликни авж олдиришни, қонун ҳужжатларида тақиқланган бошқа қилмишларни содир этишни тарғиб қилса;

рамз сифатида фаолияти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тақиқланган ташкилотларнинг эмблемасидан ёки рамзларининг бошқа турларидан фойдаланилган бўлса;

рамз интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқни бузса;

рамз қонун ҳужжатларига зид бўлса;

рамз диний хусусиятга эга бўлса.

19. Рамзнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли уни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

20. Рўйхатдан ўтказувчи орган ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисида, рад этишнинг аниқ сабабларини кўрсатган ҳолда асосланган қарор қабул қилади.

ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчиларга қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида ёзма равишда маълум қилинади. Ариза берувчиларга уларнинг уч ой муддатда йиғимни қайтариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиш ёхуд рад этиш сабаблари бартараф этилгандан кейин ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида такроран ариза бериш ҳуқуқи тушунтирилади.

Ариза ушбу банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган тақдирда, такрорий мурожаат қилинганда умумий асосларда давлат божи ундирилади.

21. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

### **III. ННТ рамзларини қайта рўйхатдан ўтказиш ва рамзлар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини бериш**

22. ННТ рамзига ва (ёки) унинг тавсифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек ННТ номи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ННТ қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ННТ рамзи қайта рўйхатдан ўтказилади.

23. ННТ раҳбар органи томонидан ННТ рамзига ва (ёки) унинг тавсифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин, шунингдек ННТ номи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ННТ қайта рўйхатдан ўтказилганда ННТ рамзини қайта рўйхатдан ўтказиш учун бир ой мобайнида рўйхатдан ўтказувчи органга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ННТ рамзини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

ННТ рамзига ва (ёки) унинг тавсифига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарор;

икки нусхада ННТ рамзининг янги намунаси ва унинг тавсифи;

ННТ рамзи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг асл нусхаси;

йиғим тўланганлигини тасдиқловчи банк тўлов ҳужжати.

ННТ номи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ННТ қайта рўйхатдан ўтказилган тақдирда ННТ рамзини қайта рўйхатдан ўтказишда ушбу банднинг учинчи хатбошида назарда тутилган ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинмайди.

24. ННТ рамзини қайта рўйхатдан ўтказиш ННТ рамзини давлат рўйхатидан ўтказишдаги каби тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

25. ННТ рамзини қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда рўйхатдан ўтказувчи орган бир иш куни мобайнида ННТ рамзларининг давлат реестрига тегишли ёзувни киритади ва ариза берувчига бир нусхадан «рўйхатдан ўтказилган» белгиси қўйилган ва рўйхатдан ўтказувчи органнинг муҳри билан тасдиқланган рамзнинг янги намунаси ва унинг тавсифи берилади.

Агар рамз тавсифига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномада назарда тутилган қисқача тавсифнинг ўзгаришига олиб келса, ариза берувчига ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги гувоҳнома берилади. ННТ номи ўзгариши билан боғлиқ ҳолда ННТ қайта рўйхатдан ўтказилиши муносабати билан ННТ рамзи қайта рўйхатдан ўтказилганда ҳам ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида янги гувоҳнома берилади. Бошқа ҳолларда ариза берувчига ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси қайтарилади.

26. ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ННТ рамзининг намунаси ва унинг тавсифи йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда ННТнинг аризаси бўйича рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан уларнинг дубликатлари берилади.

Дубликат олиш учун берилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

«топилмалар столи»дан маълумотнома (ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ННТ рамзининг намунаси ва унинг тавсифи йўқолганда);

ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси, ННТ рамзининг намунаси ва унинг тавсифи (улар яроқсиз ҳолга келганда);

йўқолган ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг ҳақиқий эмаслиги ҳақида даврий матбуот нашрида берилган эълон;

дубликат берилганлиги учун белгиланган миқдорда йиғим тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати.

27. ННТ рамзининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ННТ рамзларининг намунаси ва уларнинг тавсифи дубликати бериш тўғрисидаги ариза ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

**IV. Якунловчи қоидалар**

28. Ушбу Низомда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган ННТ рамзларидан фойдаланиш тақиқланади.

29. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг  
рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**АРИЗА**

**(нодавлат нотижорат ташкилотларининг, халқаро ва  
хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг  
ваколатхоналари ва филиаллари рамзларини рўйхатдан  
ўтказиш (қайта рўйхатдан ўтказиш) учун**

\_\_\_\_\_ (ННТнинг раҳбар органи томонидан бунга ваколат берилган шахс(лар)нинг Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ томонидан

(рамзни тасдиқлаган органнинг номи)

\_\_\_\_\_ да тасдиқланган

(рамзни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган сана — йил, қун, ой)

\_\_\_\_\_нинг рамзини

(ННТ номи)

давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этади.

Рамзнинг қисқача тавсифи \_\_\_\_\_

Ушбу рамз учинчи шахсларнинг интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқини  
бузмаслигини тасдиқлайман(миз)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ (сана)

\_\_\_\_\_ (имзо)

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг  
рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

126-МОДДА

### Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи органнинг номи)

Нодавлат нотижорат ташкилотининг рамзи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида

### ГУВОҲНОМА

\_\_\_\_\_ -сон 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Нодавлат нотижорат ташкилотининг номи \_\_\_\_\_

Рамзнинг қисқача тавсифи \_\_\_\_\_

Қўшимча маълумотлар: \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (рўйхатдан ўтказувчи орган раҳбарининг лавозими)

М.Ў.

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

— 52 —

11 (615)-сон

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг  
рамзларини давлат рўйхатидан ўтказиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

11 (615)-сон

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари рамзларининг  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

Реестр тартиб рақами	Рамз давлат рўйхатидан ўтказилган сана	ННТ номи	ННТ раҳбар органи томонидан рамзни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган сана	Рамзнинг қисқача тавсифи	Реестрга ёзувни ёзган шахснинг Ф.И.О., лавозими ва имзоси	Қайта рўйхатдан ўтказилган сана	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8

— 53 —

126-модда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари  
бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила  
аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларининг (кейинги ўринларда ННТ деб аталади), шу жумладан диний ташкилотлар, халқаро ва хорижий ННТ ваколатхоналари ва филиалларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартибини белгилайди.

ННТ чет эл фуқаролари бўлган ходимларининг ота-онаси, эри/хотини, улар билан бирга яшайдиган болалари уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари ҳисобланадилар.

2. Чет эл фуқароларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини (кейинги ўринларда чет эл фуқаролари деб аталади) аккредитациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (кейинги ўринларда Адлия вазирлиги деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Чет эл фуқароларини аккредитациядан ўтказиш учун 100 АҚШ доллари миқдорида йиғим ундирилади.

Чет эл фуқароларини аккредитациядан ўтказиш рад этилган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

4. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган аккредитация карточкаси ўрнига янги аккредитация карточкасини олиш учун ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган йиғим ставкасининг 50 фоизи миқдорида тўлов ундирилади.

5. Ушбу Низомга мувофиқ ундириладиган йиғим қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳамда Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

**II. ННТнинг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини  
аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги аризани  
кўриб чиқиш**

6. Чет эл фуқароларини аккредитациядан ўтказиш учун Адлия вазирлигига ушбу фуқароларни қабул қилаётган ННТ раҳбари ёки бунга ваколатли бўлган шахс томонидан имзоланган ариза берилади.



Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

чет эл фуқаросининг ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ белгиланган шакл бўйича шахсий варақаси;

чет эл фуқаросининг (3 см х 4 см ўлчамдаги) тўртта рангли фотосурати;

хорижий ходимни ННТга ишга қабул қилиш тўғрисидаги ваколатли шахс имзолаган тасдиқнома-хат. Халқаро ва хорижий ННТларнинг ваколатхоналари ва филиалларига тааллуқли тасдиқнома-хат белгиланган тартибда легаллаштирилади ёки унга апостиль қўйилади;

тиббиёт муассасасининг ОИВ-инфекцияси йўқлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

чет эл фуқароси паспортининг нусхаси;

йиғим тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати.

18 ёшга тўлмаган болалар учун ушбу банднинг учинчи, тўртинчи ва еттинчи хатбошиларда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилади. Паспорт мавжуд бўлмаган тақдирда шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси тақдим этилади.

7. Ариза Адлия вазирлиги томонидан, ариза берилган кундан бошлаб бир ой мобайнида кўриб чиқилади.

Адлия вазирлиги, зарурат бўлганда, аризани қўшимча ўрганиш учун тегишли ташкилотларга юборишга ҳақлидир, шу муносабат билан аризани кўриб чиқиш муддати узайтирилиши мумкин, лекин бу муддат ўн беш кундан ошмаслиги керак.

Ҳужжатларни олган ташкилот ўз хулосасини йиғирма кун мобайнида тақдим этиши шарт.

8. Кўриб чиқиш натижалари бўйича Адлия вазирлиги томонидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

аккредитациядан ўтказиш тўғрисида;

аккредитациядан ўтказишни рад этиш тўғрисида.

9. Аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганда чет эл фуқаросига аккредитация карточкаси берилади, у чет эл фуқаросининг шахсий аккредитациясини тасдиқлайди ва унга белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасида бўлиш ҳуқуқини беради. Аккредитация карточкасининг шакли Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланади.

18 ёшга тўлмаган болаларни аккредитациядан ўтказиш паспортга ёки шахсни тасдиқловчи ҳужжатга ота-оналардан биттасининг аккредитация тартиб рақами остига штамп қўйиш йўли билан амалга оширилади.

Аккредитация карточкаси ННТнинг чет эл ходимига меҳнат фаолиятини фақат қабул қилган ННТда амалга ошириш ҳуқуқини беради.

10. Аккредитация карточкаси олган чет эл фуқаросига тегишли аккредитация рақами берилади. Чет эл фуқароси тўғрисидаги маълумотлар ННТнинг аккредитациядан ўтказилган хорижий фуқаролари, шунингдек улар оилаларининг аъзолари реестрига (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ киритилади.

Чет эл фуқароларини аккредитациядан ўтказиш кўпи билан ўн икки ой муддатга амалга оширилади.

11. Аккредитациядан ўтказиш рад этилганда Адлия вазирлиги қарор қабул қилади ва бу тўғрида ННТни уч иш кунидан кечикмай ёзма шаклда хабардор қилади. Бу ҳолда Адлия вазирлиги қабул қилинган қарорни изоҳ-ламаслик ҳуқуқига эга.

12. Чет эл фуқаросининг аккредитацияси муддатини узайтириш учун ННТ аккредитация муддати ўтгунгача қирқ беш кундан кечикмай Адлия вазирлигига ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга ариза тақдим этади.

13. Аккредитация карточкаси йўқолганда ёки яроқсиз ҳолга келганда аккредитация карточкасининг эгаси уч иш кунидан кечикмай бу тўғрида ННТни ва Адлия вазирлигини ёзма шаклда хабардор қилади.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган аккредитация карточкаси ўрнига янги аккредитация карточкасини олиш учун Адлия вазирлигига ННТ томонидан қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза берилади:

«топилмалар столи»дан маълумотнома (аккредитация карточкаси йўқолганда);

йўқолган аккредитация карточкасини ҳақиқий эмас деб ҳисоблаш тўғрисида даврий матбуот нашридаги эълон;

аккредитация карточкасининг асл нусхаси (аккредитация карточкаси яроқсиз ҳолга келганда);

чет эл фуқаросининг (3 см х 4 см ўлчамдаги) тўртта рангли фотосурати;

йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган аккредитация карточкаси ўрнига янги аккредитация карточкаси берилиши учун белгиланган миқдорда тўлов тўланганлиги тўғрисида банк тўлов ҳужжати.

14. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган аккредитация карточкаси ўрнига янги аккредитация карточкасини бериш тўғрисидаги ариза ўн иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган аккредитация карточкаси ўрнига янги аккредитация карточкасини олган чет эл фуқаросига тегишли аккредитация рақами берилади ва ушбу маълумотлар Реестрга киритилади.

### III. Яқунловчи қоидалар

15. Аккредитация карточкасини олган чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикасига кириш визалари уларнинг аккредитацияси амал қиладиган муддатга берилади.

Аккредитациядан ўтказилган чет эл фуқароларини вақтинча прописка қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

16. Аккредитация карточкаси эгаси, Ўзбекистон Республикасида бўлишининг мақомидан қатъи назар, қуйидагиларга мажбур:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш;

Ўзбекистон Республикасининг ички ишларига аралашмаслик;

ННТнинг хонаси ва бошқа мулкидан факат уставдаги мақсадлар ва вазифаларни бажариш мақсадларида фойдаланиш;

Ўзбекистон Республикасида яшаётган халқларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари ва турмушини ҳурмат қилиш.

Чет эл фуқароларини қабул қилган ННТ улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларига риоя этилишини таъминлайдилар.

17. Аккредитациянинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек меҳнат фаолияти тўхтаганда ва чет эл фуқаролари узил-кесил жўнаб кетаётганда аккредитация карточкалари Адлия вазирлигига қайтариб берилиши керак.

Аккредитация карточкаси қайтарилганлиги тўғрисидаги маълумотлар Реестрга киритилади.

18. ННТ фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек чет эл фуқароси томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини бузиш аккредитациянинг амал қилишини тўхтатишга олиб келади, бу чет эл фуқароларининг бундан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Бу ҳолда чет эл фуқаролари Адлия вазирлиги томонидан белгиланган муддатда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жўнаб кетиши шарт.

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

1-шакл  
Form № 1

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

**MINISTRY OF JUSTICE OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**ШАХСИЙ ВАРАҚА/PERSONAL APPLICATION**

1. Ташкилотнинг номи \_\_\_\_\_

Name of organization

тайинланиши  
appointment

муддати узайтирилиши  
extensions

ўзгартиришлар киритилиши  
change of circumstances



2. Фамилияси \_\_\_\_\_ исми \_\_\_\_\_

Family name

given name(s)

3. Оилавий аҳволи \_\_\_\_\_

Marital status

4. Эгаллаб турган лавозими \_\_\_\_\_

Position held

5. Қандай имтиёзлар берилган ва қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжат ёки битимга асосан  
Privileges, if any. If yes, mention concerned legal document or international agreement

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

6. Маълумоти ва мутахассислиги \_\_\_\_\_  
Education and major

7. Меҳнат фаолияти тўғрисида маълумот (меҳнат фаолиятини бошлаган кундан бошлаб, шу кунга қадар) / Data on Employment

Т/р	Қайси ташкилотларда ишлаган/ previous employers	Қайси лавозимларда /Positions	Меҳнат фаолиятини амалга оширган муддатлари /employment period	Идораларнинг жойлашган жойи, манзили/ employer's legal address
1.				
2.				
3.				

8. Туғилган вақти: кунни \_\_\_\_\_ ойи \_\_\_\_\_ йили \_\_\_\_\_  
Date of birth day month year

9. Туғилган жойи мамлакат \_\_\_\_\_ шаҳар \_\_\_\_\_  
Place of birth country city

10. Фуқаролиги \_\_\_\_\_ илгаригиси \_\_\_\_\_ иккинчи фуқаролиги \_\_\_\_\_  
Nationality previous nationalities, if any other nationalities, if any

11. Миллати \_\_\_\_\_  
Ethnic

12. Миллий паспорти \_\_\_\_\_  
National Passport

Рақами \_\_\_\_\_ санаси \_\_\_\_\_ муддати \_\_\_\_\_  
number issue date validity term

13. Ўзбекистонга келган санаси \_\_\_\_\_  
Date of arrival to Uzbekistan

14. Ўзбекистондаги яшаш жойи ҳақида маълумот \_\_\_\_\_  
Information about residence in Uzbekistan \_\_\_\_\_

15. Ўзи билан келган оила аъзолари тўғрисида маълумот  
Accompanied by the following member of the family

Т/р	Ф.И.О./Name	Қариндошлик даражаси / relationship
1	2	3

**126-модда**

— 60 —

**11 (615)-сон**

16. Аввал берилган карточканинг рақами \_\_\_\_\_  
Number of the last card

17. Аризачининг имзоси \_\_\_\_\_ ташкилот раҳбари \_\_\_\_\_  
Applicant's signature head of the organization

Мухр  
Seal

сана: 20\_\_\_\_ «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_  
date

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет эл фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Нодавлат нотижорат ташкилотларининг аккредитациядан ўтказилган хорижий фуқаролар бўлган ходимлари, шунингдек уларнинг оила аъзолари  
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ**

	Аккредитациядан ўтказилган шахснинг Ф.И.О.	Туғилган санаси (кун, ой, йил) ва жойи	Фуқаролиги ва миллати	Маълумоти, мутахассислиги	Оилавий аҳволи	Оила аъзолари сони ва қариндошлик даражаси	Халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилоти ваколатхонаси ва филиалининг тўлиқ номи	Аккредитация қилинган шахснинг лавозими	Ўзбекистонга келган санаси
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Жадвалнинг давоми

Ўзбекистонда яшаш жойи	Паспорт маълумотлари	Аккредитация муддати ва карточканинг рақами	Шахснинг фотосурати	Аккредитация карточкаси олган шахснинг имзоси	Аккредитация қилинган шахснинг қонун ҳужжатларини ва устав (низом) талабларини бузганлиги тўғрисидаги маълумотлар	Аккредитация қилинган шахсга нисбатан кўрилган чоралар	Аккредитация карточкасини бекор қилиш қарори ва санаси	Аккредитация карточкасини қайтарганлик тўғрисида маълумотлар ва сана	Аккредитация қилинган шахснинг визасини бекор қилиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги маълумотлар
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
4-ИЛОВА

126-молда

**Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини  
такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар  
РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Вазирлар Маҳкамасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва уларнинг алоҳида бўлинмаларини тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	2014 йил апрель	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, бошқа вазирликлар ва идоралар
2.	Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоат фондларининг дастлабки маблағларини шакллантириш ва уларнинг тижорат ташкилотлари фаолиятидаги иштироки масалалари тўғрисида»ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	2014 йил май	Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар
3.	Нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар тақдим этиш тартибини ўрганиш, кўрсатиб ўтилган тартибни такомиллаштириш ва соддалаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2014 йил июнь	Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар
4.	Амалдаги қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш ва қайта кўриб чиқиш, миллий ва халқаро тажрибани чуқур ўрганиш асосида соғлиқни сақлаш, таълим, бандликни таъминлаш, аҳолининг ночор қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ижтимоий, гуманитар ривожланишнинг кўрсатиб ўтилган соҳалари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда долзарб ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	2014 йил июнь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар

— 62 —

11 (615)-сон



Т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Масъул бажарувчилар
5.	Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича, шу жумладан хайрия фаолиятини рағбатлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фойдали фаолиятида аҳоли, жисмоний ва юридик шахсларнинг фаол иштирокни рағбатлантиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.	2014 йил октябрь	Адлия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси
6.	Адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган нодавлат нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштиришни таъминлаш.	2014 йил мобайнида	Адлия вазирлиги
7.	2014 йилда, энг аввало, давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг амалий қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган соҳаларда тармок, минтақавий ва ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга нодавлат нотижорат ташкилотларини жалб этишнинг самарадорлиги мониторингини олиб бориш режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, шунингдек катта ижтимоий аҳамиятга молик бўлган долзарб муаммоларни ҳал этишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ННТ билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	тасдиқлаш — 2014 йил апрель  амалга ошириш — жадвалга мувофиқ	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Адлия вазирлиги
8.	Давлат бошқаруви органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида мустақамланган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, давлат ва ижтимоий қурилиш соҳасида уларнинг ролини ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.	тасдиқлаш — 2014 йил апрель  амалга ошириш — жадвалга мувофиқ	Адлия вазирлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси кўмагида
9.	Долзарб ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятли муаммоларни ҳал этишда, жамоатчилик назоратини амалга оширишда, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда, жумладан ушбу соҳада Ўзбекистон Республикаси	тасдиқлаш — 2014 йил апрель  амалга ошириш —	Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси,

Т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Масъул бажарувчилар
	публикасининг халқаро шартномаларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва иштирокини кучайтиришда давлат тузилмаларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ижтимоий шериклигини янада ривожлантиришни назарда тутувчи 2014 йилда демократик ислохотларни амалга оширишга, давлат ва жамият ишларини бошқаришда, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси қоидаларини амалга оширишда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамиятини оширишга йўналтирилган мамлакатда амалга оширилаётган кўламли ишларни ёритиш жадвалини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш.	жадвалга мувофиқ	Журналистларнинг ижодий уюшмаси, Матбуот маркази, «Жаҳон» АА
10.	2014 йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари, бошқа фуқаролик институтларининг ижтимоий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини янада оширишга, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялаш бўйича ислохотларни амалга оширишда уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтиришга, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига» тамойилини изчил, босқичма-босқич амалга оширишга, шунингдек нодавлат нотижорат ташкилотлари тизимини кенг ривожлантиришга, уларни ташкил этиш ва улар фаолияти билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий механизмлар ва тартиботларни такомиллаштириш ва содалаштиришга йўналтирилган конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари туркумлари режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш.	тасдиқлаш — 2014 йил апрель  амалга ошириш — жадвалга мувофиқ	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
11.	Қуйидагиларни: ННТ фаолиятини самарали ташкил этиш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларини ҳал этишда уларнинг фаол иштирок этиши бўйича ННТ раҳбарлари ва фаоллари учун методик қўлланмаларни; ННТ фаолияти масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламларини тайёрлаш ва нашр этиш.	2014 йил мобайнида	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
12.	ННТ секторини ривожлантириш ҳолати устидан давлат статистика кузатишлари методикасини ишлаб чиқиш, шу асосда ҳар йили тасдиқ-	2014 йил мобайнида	Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Фуқаролик жамияти

Т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Масъул бажарувчилар
	ланадиган Давлат статистика ишлари дастури доирасида ННТ секторини ривожлантиришнинг ҳолати тўғрисидаги статистика маълумотларини мунтазам равишда тўплаш.		шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 11-сон, 49-модда) билан тасдиқланган Давлат божи ставкаларининг 8-бандига қуйидаги мазмундаги хатбошилар қўшилсин:

«халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларини, шунингдек халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиаллари — энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари ва 50 АҚШ доллари;

республика, вилоятлараро нодавлат нотижорат ташкилотлари — энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари;

фаолиятини вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, кишлоқ ва овул ҳудудида олиб борадиган нодавлат нотижорат ташкилотлари — энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари.»

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 19 октябрдаги 408-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1995 й., 10-сон, 41-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида хорижий ишчи кучларини жалб қилиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 17-банди тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида аккредитация қилинган нодавлат нотижорат ташкилотларининг ходимларига».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) 2-банднинг бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини, адвокатлик бюроларини, фирмаларини, хайъатларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини аккредитациядан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилоти, рамзи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликатини берганлик учун, адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағларнинг, шунингдек адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи»;

б) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғри-

сида низом 2-бандининг бешинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини, адвокатлик бюроларини, фирмаларини, ҳайъатларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини аккредитациядан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилоти, рамзи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликати берганлик учун, адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағларнинг, шунингдек адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар суммасининг 80 фоизи».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорлари 12-банди «Шакллантириш манбаи» устунининг бешинчи позицияси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Адлия органлари томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларини, адвокатлик бюроларини, фирмаларини, ҳайъатларини, нодавлат нотижорат ташкилотларининг рамзларини давлат рўйхатидан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилотларининг хорижий фуқаролари бўлган ходимларини, шунингдек уларнинг оила аъзоларини аккредитациядан ўтказганлик, нодавлат нотижорат ташкилоти, рамзи давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг дубликати берганлик учун, адвокатлик фаолиятини лицензиялаганлик, юридик кадрларни малака аттестациясидан ўтказганлик учун ундириладиган маблағлар, шунингдек адлия органлари томонидан ундириладиган жарималар суммаси».

Вазирлар Маҳкамасининг  
2014 йил 10 мартдаги 57-сон қарорига  
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини  
йўқотган баъзи қарорлари  
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлиги масалалари» тўғрисида 1991 йил 18 февралдаги 40-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш тўғрисида»

1993 йил 12 мартдаги 132-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 9-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Жамоат бирлашмалари рамзларини рўйхатга олиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш ва уларни рўйхатга олганлик учун йиғимларни ундириш тартиби ва миқдорлари тўғрисида» 1993 йил 12 мартдаги 133-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 10-модда).

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 8 апрелдаги 177-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига киритилаётган ўзгартиришларнинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда) илованинг 3, 4-бандлари.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги 543-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоши ва қарорга 1-илова.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2004 йил 29 апрелдаги 203-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 4-сон, 43-модда) илованинг 1-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ-1062-сон қарори) 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига 1-илованинг 1-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 3-сон, 20-модда).